

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.04/05.06.2020 Tib 102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ГУЛЯГАНОВ ЖАМШИД ШОВКАТОВИЧ**

**«БИОЛОГИК ФАОЛ ШИША» ИМПЛАНТАЦИЯСИДАН КЕЙИН  
ОРТОПЕДИК КОНСТРУКЦИЯЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14 00 21 - Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд–2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси В2018.1.PhD/Tib502-сон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хотима)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «ZiyoNet»([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акбаров Авзал Нигматуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриева Наталья Сергеевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдувакилов Жаҳонгир Убайдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наварра жамоат университети (Испания)**

Диссертациянинг ҳимояси 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ да Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги DSc.04/05.06.2020 Tib 102.02илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. (Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz))

Диссертация (PhD) билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатдан ўтган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. (Тел./факс: (99866)-233-07-66

Диссертациянинг автореферати 2020 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ да юборилган.  
(2020 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_-сонли почта жўнатмаси баённомасининг реестри).

**Ж. А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**К.Э. Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, Тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (PhD фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси).**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида тишларнинг қисман йўқотилиши кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...касаллик билан дунёнинг турли минтақаларида 75% аҳоли касалланган...». Тишларнинг қисман йўқлиги организмнинг ҳаётӣ функцияларидан бири бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини майдаланиш жараёни бузилишига олиб келади, бу эса ўз навбатида хазм қилиш жараёнларига ва керакли озуқа моддаларининг организм томонидан сўрилишига таъсир этиб бунинг натижасида кўп ҳолларда ошқозон-ичак яллиғланиш касалликларининг ривожланишига, артикуляция ва талаффузнинг бузилиши эса беморнинг алоқа ўрнатишига, бу эса ўз навбатида унинг рухий ҳолатига таъсир этади. Шу жиҳатдан жаҳонда тишларнинг қисман йўқотилишини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш соғлиқни сақлаш амалиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тиш имплантацияси - тишлар қисман ёки тўлиқ йўқотилган беморларни даволаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотлар таркибида жағ суяк тўқимасини тўлиқ тиклаш шунингдек, барқарор натижани таъминловчи маҳаллий арзон остеопластик материалларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишларда юқори биомосликка ва остеокондуктив вазифасини бажариш қобилияти эга бўлган биоматериал ишлаб чиқиш, тиш қатори нуқсонлари мавжуд беморларда ва ортопедик даволашнинг тайёргарлик босқичларида атрофияга учраган суяк тўқимасини қайта тиклашга қаратилган илмий-тадқиқотларга устувор дарадажа эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон талаблари асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кафолатланган сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича кенга қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. "...Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш..." каби вазифалар белгиланган<sup>1</sup>. Бу борада жағ суякларига нуқсонларни тўлдириш ва реконструктив операциялардан сўнг суяк тўқимасининг қайта тикланиш вақтини қисқартириш, маҳаллий биофаол-юзали биоматериалларни самарали ва мақсадли қўллаш, жағ нуқсонларини тўлдириш ва резорбцияланган суяк тўқимасини тиклаш бўйича замонавий технологияларни қўллашга йўналтирилган тадқиқотларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Харакатлар

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан янгиланиш комплекс вазифалари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг № УП-5590 7 декабрь 2018 йилдаги Фармони

стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2022 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тadbирлар тўғрисида»ги Карори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришни устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиш имплантациясини амлиётини ўтказишни режалаштиришда мутахассислар дуч келадиган асосий муаммо - имплантация ўтказиладиган соҳадаги суяк тўқимасининг етарли ҳажмда эмаслиги ва юқори сифатга эга эмаслигидадир. Тишларнинг қисман ёки тўлиқ йўқотилиши доим жағ суяк тўқималарининг атрофик белгилари билан бирга кечади. Алвеоляр суяк атрофияси одатда бирор касаллик ёки тишларнинг йўқотилиши натижасида рўй беради, аммо травма натижасида пайдо бўлиши, шунингдек, ривожланиш нуқсонлари ва патологик ҳосилаларни бартараф этишга қаратилган резекцион оператив аралашувлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Тишларнинг тўлиқ ёки қисман йўқотилишини даволаш усулини сифатида тиш имплантацияси операциясини ўтказишни режалаштиришда суяк тўқималарининг атрофияси асосий чекловчи омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунга қадар муайян клиник ҳолатларда даволаш усулининг қайбири афзал афзал эканлиги мавҳум. Тиш имплантологиясида эришилган ютуқлар ҳақида мавжуд нашрларга қарамай, жағ суяк тўқимасининг сезиларли атрофияси бўлган беморларнинг реабилитация муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Кўплаб ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ҳозирги давргача юқори ва пастки жағ алвеоляр қисмининг турли даражадаги атрофияси бўлган беморларни даволаш учун комплекс ёндашув аниқланмаган, жағ суяклар резорбциясининг турли хил кўринишларида даволаш бўйича аниқ ҳаракатлар алгоритмлари ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан, жағ нуқсонларини суяк пластикаси ўтказишнинг янги юқори самарали усуллари, уларни қўллаш методологиясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир, бу эса тиш имплантларини қўллаш кўрсаткичларини кенгайтиради ва суяк тўқималари етишмовчилиги бўлган беморларнинг тўлиқ стоматологик реабилитациясига эришилишига сабаб бўлади. Юза- фаол биоматериаллар гуруҳига кирувчи “Биологик фаол шиша” юзасида бир қатор ўзига хос реакциялар юзага келади, бу эса аморф калций фосфат ёки кристалли гидроксипатит ҳосил бўлишига олиб келади, бу эса суяк тўқимасининг шаклланиши учун қулай шароитдир. Бундан ташқари, ушбу материал остеогенезни кучайтирувчи Si, Ca, P ва Na ионларининг критик концентрацияларини ажратиб чиқариш қобилиятига эга. Суяк тўқимасини ноёб биологик фаол шиша гранулалари асосида тиклаш мумкин.

«Биологик фаол шиша» турли хил тиббий кўринишда, қайсики гранулалар ва пластиналар шаклида ортопедия ва жағ-юз суяк бўшлиқларини тўлдириш, суякларнинг реконструкцияси учун фойдаланилади. Суяк трансплантацияси ўрнини босувчи восита сифатида биологик фаол шишадан фойдаланишнинг асосий афзаллиги шундаки, иккиламчи сохадан суяк трансплантатларини олмасдан ишлаш имконини беради. Маълум бир қатор композициялар доирасида «Биологик фаол шиша» суякларнинг ўсишини стимуллайтиди ва бактерияларнинг кўпайишини олдини олади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400203 «Тиш протезларининг оғиз бўшлиғи муҳити ва тўқималарига таъсири. Тиш протезларидан фойдаланганда оғиз бўшлиғининг ҳимоя механизмларини мослашиш ва мослашмаслик жараёнлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилди (2017-2020 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материални дентал имплантациядан аввал жағнинг алвеоляр суяк ҳажмини тиклаш техникасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

имплантлар қўйиш билан даволаш мақсадида суяк тўқималарининг ҳажмини ошириш учун "Коллапан" остеопластик материали ва "Биологик фаол шиша" маҳаллий остеопластик материали қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

эхоостеометрия маълумотларига кўра алвеоляр суяк нуқсонини "Биологик фаол шиша" остеопластик моддаси билан тўлдирилиш соҳасининг турли даврларида остеоинтеграция даражасини аниқлаш;

алвеоляр суяк нуқсони "Биологик фаол шиша" остеопластик материал билан тўлдирилгандан сўнг суяк тўқималарининг зичлиги, қалинлигини олинмайдиган протезлар билан протезлашдан олдин ва кейин томографик (3D ўлчамли рентген) текширув усуллари бўйича аниқлаш;

жағ нуқсонларини жарроҳлик йўли билан тиклашдан кейинги тиш имплантларига таянган ортопедик реабилитация самарадорлигини баҳолаш;

маҳаллий остеопластик материални дентал имплантациядан аввал жағнинг алвеоляр суяк ҳажмини тиклаш техникасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Тошкент давлат стоматология институтининг, жарроҳлик стоматологияси бўлимида текширувдан ўтган ва даволанган сурункали периодонтитни ремиссия босқичидаги 60 та беморлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўтказилган суяк пластикасида кейинги тиш имплантлари билан даволаш жараёни ва ортопедик ёрдам сифатининг самарадорлиги ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, стоматоскопик, 3D-компютер рентгенографияси, эхоостеометрия, функционал синама ва статистик тадқиқо усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба тиш имплантацияси амалиётида суяк тўқималарининг ҳажмини ошириш мақсадида қўлланилган "Биологик фаол шиша" маҳаллий остеопластик материалнинг самарадорлиги "Коллапан" остеопластик модда билан қиёслаш асосида исботланган;

олинмайдиган тиш протезлари билан протезлашдан аввал ва кейин "Биологик фаол шиша" остеопластик материали қўлланилишида алвеоляр суяк нуқсони тиклаш соҳасидаги суяк зичлигининг ортиши ультратовуш эхоостеометрия асосида олинган маълумотлари негизида исботланган;

олинмайдиган протезлар билан протезлашдан аввал ва кейин маҳаллий остеопластик материалнинг суяк тўқимаси остеоинтеграциясига ижобий таъсири томография маълумотлари негизида исботланган;

жағ суяклари атрофиясининг олдини олиш амалиёти таянч имплантлар билан даволаш ортопедик реабилитациясида самарадор эканлигининг сифат таҳлили чайнов синамалари орқали исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

беморларни ортопедик даволаш босқичига ижобий таъсир кўрсатадиган, дентал имплантатларни ўрнатиш учун жағнинг альвеоляр ўсимтаси ҳажмини сақлаб қолиш мақсадида олиб ташланган тиш катагини аугментациялаш операциясини ўтказишда "Биологик фаол шиша" маҳаллий остеопластик материали қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

нуқсонни тиклаш соҳасидаги алвеоляр суяк тўқималарининг атрофияси параметрлари аниқланган;

"Биологик фаол шиша" маҳаллий остеопластик материали харажатларни 3 карра камайтириши аниқланди, бу эса яқуний маҳсулотни тадқиқ қилишда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаши аниқланган;

жағ суяклари нуқсонларини пластикадан сўнг стоматологик имплантатларни ортопедик реабилитациясини самарадорлигини режалаштириш ва прогнозлаш учун асосий кўрсатмалар беморни субъектив ва объектив текширувлари (3D компютер томографияси, эхоостеометрия, функционал тестлар ва бошқалар) маълумотларини комплекс баҳолашга асосланган бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашувлар ва қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, беморлар сонининг етарлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти услубий аҳамиятга мувофиқ ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларнинг биологик фаол шиша имплантациясидан кейин ортопедик конструкциялар билан протезлаш соҳаси услубий аппаратини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** биологик фаол шиша имплантациясидан кейин ортопедик конструкциялар билан протезлашни таокиллаштириш бўйича олинган натижаларнинг тишларнинг қисман йўқотилишини даволаш самарадорлигига оширишга, жумладан алвеоляр ўсик суяк нуқсонининг хажм жихатидан тикланишига ва маҳаллий биоматериалдан фойдаланилганда протезлашдан олдинги тайёргарлик операциялар харажатларининг камайишига эришиш, ортопедик протезларнинг фиксацияси ва эстетик сифатлари яхшиланишига таъсирини ошириш

**Тадқиқот натижаларини тадбиқ этилиши.** Биологик фаол шиша имплантациясидан кейин ортопедик конструкциялар билан протезлашни такомиллаштириш юзасидан олинган натижалари асосида:

"Биологик фаол шишани суяк нуқсонларини тиклаш учун қўллаш" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 07.08.2017 йил 7 августдаги 8н-р/13-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш остеопластик материални тиш олиб ташлангандан сўнг алвеоляр ўсикнинг атрофиясини олдини олиш ҳисобига таянч тиш имплантатлари билан тишларни протезлаш мезонлари ва техникасини аниқлашга имкон берган;

«Оғиз бўшлиғини олинмайдиган таянч протезлар билан имплантилашга махсус тайёрлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 08.10.2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/329-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш стоматологик имплантатлар асосида протезлаш самарадорлигини, протезларнинг узоқ муддат хизмат қилишини яхшилади ва операциядан кейинги даврда ҳам, узоқ муддатдан кейин ҳам асоратлар сонини камайтириш имконини берга;

биологик фаол шиша имплантациясидан кейин ортопедик конструкциялар билан протезлашни такомиллаштириш юзасидан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент давлат стоматология институти ва Республика стоматология поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 08.10.2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/329-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалга ошириш 98,85% ҳолларда жағ суяги нуқсонларини пластикасида стоматологик имплантларни қўллаб ортопедик даволашни ижобий натижаларини яхшилаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 1 та республика ва 2 та халқаро микёсда ўтказилган илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича 9та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий иш натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5та илмий мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисми** тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлигини асослаб беради, мақсад ва вазифаларни аниқ шакллантиради, тадқиқот объекти ва предметига характеристикани беради, тадқиқотларнинг Ўзбекистонда фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади, илмий янгиликни аниқлайди ва тадқиқотларнинг амалий натижаларини таъкидлайди, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ беради, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, мавзу бўйича нашр этилган мақолалар ва тезиснинг тузилиши тўғрисидаги маълумотларни беради.

Диссертациянинг биринчи **"Дентал имплантациядан олдин жағ суягини пластикасидаги асосий тенденциялар"** бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий ва амалий маълумотлари ҳақида адабиётларининг таҳлили берилган, унда жағ алвеоляр суяги атрофиясининг этиологияси ва патогенези, алвеоляр суяк ҳажмини қайта тиклаш усуллари таҳлил қилинган. Суяк тўқимасини тиклаш усуллари афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб, муаммонинг ечимини топиш мезонлари аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи **"Клиник материалнинг хусусиятлари ва ва қўлланилган тадқиқот усуллари"** бобида асосий материаллар ва тадқиқот усуллари таърифланади.

Тадқиқотда, жағнинг алвеоляр суяги атрофияси билан кечадиган, тишларнинг иккиламчи йўқлиги ташхиси қўйилган беморлар ва тиш имплантатларига таянчли ортопедик конструкциялар тайёрлаш режалаштирган ремиссия давридаги сурункали пародонтит ва сурункали пародонтит ташхиси қўйилган беморлар танланган.

21 ёшдан 75 ёшгача бўлган 60 беморнинг 27 нафарини эркаклар ва 33 нафарини аёллар ташкил қилиб, уларда оғир соматик патология аниқланмаган.

Четлатиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: беморни тадқиқотда кейинги иштирок этишдан бош тортиши, ҳомиладорлик, ўтказилган суб- ва декомпенсацияланган йўлдош касаллик, ўрганиш пайтида даволовчи шифокор тавсиялари ва диспансер кузатуви босқичларини бузган беморлар.

Тадқиқотга тасодифий танлаб олиш орқали киритилган барча беморлар ишлатилган остеопластик материалга қараб икки гуруҳга бўлинди. 30 та беморни ўз ичига олган 1-гуруҳда тиш имплантлари режалаштирилган ўрнатиш жойида Коллапан моддаси билан жағ суягини олдиндан тиклаб, олинмайдиган тиш протезлари билан даволанди.

30 беморни ўз ичига олган 2-гуруҳдаги беморларда тиш қатори нуқсонлари Биологик фаол шиша билан жағ суяги олдиндан тикланиб, олинмайдиган тиш протезлари билан даволанди. Ушбу гуруҳ 2 та кичик гуруҳга бўлиниб, ПА кичик гуруҳидаги 14та бемор "Биологик фаол шиша"ни кукун шаклида ва П Б кичик гуруҳида 16 беморни қон плазмаси билан суюлтирилган "Биологик фаол шиша" дан фойдаланилган ҳолда даволанди. Бу



даволаниш вақтини тезлаштириш ва операциядан кейинги асоратларни минималлаштириш учун амалга оширилди.

Текширувлар остеоинтеграция даражасини ўрганиш учун даволанишдан олдин ва операциядан кейинги турли даврларда (операциядан 1,5, 3 ва 6 ой ўтгач) ўтказилди.

Беморнинг дастлабки ташрифи кунида амбулатор стоматологик карта (043 / У) очилиб, у ўз ичига паспорт маълумотларини беморларнинг шикоятлари, ҳаёт тарихи (шу жумладан аллергологик тарих, ўтмиш ва қўшма касалликлар), тишлар формулалари, стандарт стоматологик текширув маълумотлари, қўшимча текширув усуллари, диагнозни олади.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш вариация статистикаси усули билан амалга оширилди. Тафовутларнинг ишончлилиги Стьюдент мезони ёрдамида, ишонч даражаси 95% ( $p < 0.05$ ) доирасида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи, **"Тадқиқотлар натижалари"** бобида беморларнинг стоматологик ҳолати ўрганилди.

Жарроҳлик муолажасидан олдин барча беморлар стандарт стоматологик текширувдан ўтдилар, периодонтал ҳолат аниқланди ва профессионал гигиена ўтказилди. Текширилган 15 (25%) беморда периодонтал тўқималарда яллиғланиш аниқланмади. Текширилган беморларнинг 30 (50%) қисмида периодонтал тўқималарда яллиғланиш аниқланди, шу билан бирга тиш-милк бирикмасининг ўзгаришлари ва суяк тўқималарининг резорбсиясининг рентгенологик белгилари қайд этилмади, шунинг учун бу патологик жараёни гингивит (K05.1) деб ташхислаш имконини берди. Текширилган 15 (25%) беморларда периодонтал тўқималарда яллиғланиш жараёни аниқланиб, тиш-милк бирикмаси бузилганлиги ва рентгенологик тасдиқланган алвеоляр ўсик-жағнинг резорбсияси аниқланган. Ушбу патологик жараёни пародонтит (K05.3) деб ташхислаш мумкин.

Тадқиқотга киритилган барча беморлар профессионал оғиз гигиенаси, яллиғланишга қарши терапия, ўз-ўзини гигиена кўникмаларига ўргатиш ёки уларни тузатишни ўз ичига олган пародонтал машғулотлардан ўтдилар. Гингивит белгилари мавжуд беморларда 1,5 ойдан кейинги назорат кўригида милкда яллиғланиш белгилари кузатилмади, сурункали пародонтит бор беморларда, жараён барқарорлашди ва зўрайиш босқичи белгилари йўқолганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг 1-гурухига киритилган 30 беморда ўтказилган клиник текширув натижаларига кўра, юқори жағнинг латерал қисмларида тишларнинг иккиламчи йўқлиги аниқланди, лекин алвеоляр ўсимтанинг кучли атрофияси қайд этилмади (ёнма-ён турган тишларнинг алвеоляр ўсимта баландлигидан цемент-эмал бирикмасигача масофадан 3 мм дан кам Wang F., Al-Shammari, 1994 таснифига кўра).

Тадқиқотнинг 2-гурухига киритилган беморларни клиник текширувдан ўтказишда 12 беморда (14та тиш) тишларнинг коронка қисмини бузилиши вақаттиқ тўқималарнинг юмшаганлиги аниқланди. 11 та беморда (12 та тиш) сунъий коронка қопламлар борлиги сабабли тишнинг коронал қисмининг бузилишларини кўриш имкони бўлмади. Периапикал тўқималардаги

Ўзгаришлар 3-D ренгенография маълумотлари билан аниқланди, чунки анамнезга кўра, беморлар симмилловчи ва тишлаш пайтида кучаювчи такрорий оғриқларни қайд этдилар. Текширув вақтида тишларнинг перкуссияси салбий, алвеоляр ўсимтанинг шиллиқ қавати оч пушти рангда, ўртача намликда.

3-D ренгенография маълумотларига кўра, суяк тўқималарининг ҳолати ва параметрлари, сурункали одонтоген инфекция ўчоқлари мавжудлиги ва юқори жағ синусининг ҳолати жарроҳлик аралашувларидан олдин баҳоланди.

Клиник ва рентгенологик текширув маълумотларига кўра, беморларга терапевтик (сурункали инфекция ўчоқларини йўқ қилиш, реставрацияларни кўрсатмаларга кўра алмаштириш), пародонтал (касбий гигиена, ўз-ўзини гигиена кўникмаларига ўргатиш ва бошқариш, ирригатордан фойдаланишга ўргатиш) ва ортопедик тайёрлов (вақтинчалик реставрацияларни ишлаб чиқиш, окклюзион муносабатларни тиклаш) бўйича даволаш режаси тузилди.

Операциядан кейинги даврнинг дастлабки босқичида даволаниш самарадорлигининг мезонлари оғриқ синдроми, коллатерал шиш ва жарроҳлик аралашувлардан сўнг шиллиқ қаватнинг гиперемияси даражасини баҳолаш эди. Операциядан кейинги оғриқ синдроми ракамли рейтинг шкаласи бўйича (Numerical Rating Scale, NRS) беморнинг субъектив оғриқ сезгиларига асосланиб баҳоланди (Brevik H. et al., 2008). Ракамли рейтинг шкаласи NRS 11 пунктдан иборат:

- 0 – оғриқ йўқ
- 1, 2, 3 – заиф (кучсиз) сиз оғриқ
- 4, 5, 6 – ўртача оғриқ
- 7, 8, 9, 10 – кучли оғриқ

Экстракция қилинган тиш ўрнини тиклаш операцияси ҳам оғриқ синдроми билан кечди, унинг интенсивлиги операциядан кейинги даврнинг турли босқичларида ҳар хил бўлди, аммо шу билан бирга умумий қонуниятларни таъкидлаш мумкин: 2А ва 2Б кичик гуруҳлардаги барча беморларда жарроҳлик операцияси кунида оғриқнинг энг кучли бўлганлиги қайд этилган ( $3,4 \pm 0,47$  балл ва мос равишда  $2,6 \pm 0,6$  балл), операциядан кейинги даврда унинг аста-секин минимал қийматларгача камайиши ( $0,5 \pm 0,11$  балл ва  $0,17 \pm 0,03$  балл мос равишда), 7- ва 10-кунида оғриқ реакцияси бутунлай йўқолди (1-жадвал).

### 1 - жадвал.

**Олиб ташланган тиш ўрнини тиклаш операциясидан кейин 2 А ва 2 Б кичик гуруҳлардаги беморларда оғриқ синдромининг интенсивлиги (балларда)**

	Операциядан кейинги даврнинг давомийлиги				
	1 кун	3 кун	5 кун	7 кун	10 кун

2А кичик гуруҳи	3,4 ± 0,34	2,7 ± 0,4	1,4 ± 0,37	0,5 ± 0,11	0,0
2Б кичик гуруҳи	2,6 ± 0,35	2,0 ± 0,23	0,8 ± 0,12	0,17 ± 0,03	0,0
Фарқлар ишончлилиги натижалари	t<2 P<95,5%	t<2 P<95,5%	t<2 P<95,5%	t>2 P>95,5%	

2 А ва 2 Б гуруҳлардаги беморларда оғриқ синдромини янада батафсил ўрганиш учун оғриқнинг турли даражадаги интенсивлигини хар бир кичик гуруҳ ичида ва кичик гуруҳлар орасида тахлил қилинди. Бунинг учун хар бир кичик гуруҳда турли оғриқ интенсивлигига эга беморлар нисбати белгиланди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Олиб ташланган тиш ўрнини тиклаш операциясидан кейин 2А ва 2Б кичик гуруҳлардаги беморларда оғриқ синдромининг интенсивлиги ( %)**

	Оғриқ синдромининг интенсивлиги (% кичик гуруҳда)				
	1 кун	3 кун	5 кун	7 кун	10 кун
<b>2А кичик гуруҳи</b>					
кучли	7.2	0	0	0	0
ўртача	35,7	42.9	7.2	0	0
заиф	57.1	57.1	52.8	50	0
йўқ	0	0	0	50	100
	100	100	100	100	100
<b>2Б кичик гуруҳи</b>					
кучли	0	0	0	0	0
ўртача	27.8	11.1	0	0	0
заиф	72.2	88.9	77.8	16.7	0
йўқ	0	0	22.2	83.3	100
	100	100	100	100	100

Кичик гуруҳлардаги беморлар орасида операция кундаги турли


даражадаги оғриқ синдромини таққослаб кўрилганда, 2А кичик гуруҳдаги 7.2% беморлар кучли оғриқ шикоят қилишди, бир вақтнинг ўзида 2Б кичик гуруҳ беморларидан бундай шикоятлар тушмади. 2А кичик гуруҳида 35,7% беморларда, 2Б кичик гуруҳида эса фақат 27,8% беморларда ўртача интенсивликдаги оғриқ синдроми кузатилди. Бундан ташқари, операциядан кейинги кучсиз оғриқ билан 2А кичик гуруҳда 2Б кичик гуруҳига нисбатан камроқ кузатилди (мос равишда 57,1% ва 72,2%).

Айни пайтда рентген диагностикасининг замонавий усуллари остеопластик операциялар пайтида олинган остеорегенератнинг сифатини, унинг оптик зичлигини, шунингдек жағнинг алвеоляр суяги параметрларини аниқ баҳолашга ва тиш имплантацияси операциясини режалаштиришга имкон беради. Рентген текшируви даволаш бошланишидан олдин суяк тузилмалари ҳолатини баҳолаш ва жарроҳлик аралашувлардан сўнг олинган остеорегенерат сифатини, операциядан кейин суяк тўқималарининг ўсиш баландлигини, Коллапан ва «Биологик актив шиша» материаллари билан тиш катагининг тиклангандандан сўнг алвеоляр ўсиқ кенглигини баҳолаш учун ўтказилди.

Даволашни режалаштириш босқичида ўтказилган компьютер томограммаси, периодонтал тишларнинг ҳолатини, юқори жағ синусини ҳолатини, режалаштирилган тиш имплантацияси соҳасидаги жағнинг алвеоляр суяги параметрларини, режалаштирилган тиш имплантацияси соҳасидаги суяк тўқималарининг зичлиги, сифати ва архитектурасини баҳолаш имконини берди.


Олинган нур текширувлари шуни кўрсатдики, «Коллапан» материални кўллаб тиклаш ва «Биологик фаол шиша» маҳаллий материали ёрдамида тиклаш альвеоляр суякни баландлиги сезиларли даражада ошириши мумкин.

«Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» маҳаллий материалдан фойдаланган ҳолда алвеоляр суяк баландлигининг ўртача ошиш динамикасининг ўртача кўрсаткичлари операциядан кейинги беморларда иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада ўсишини кўрсатди (1-расм).



1-расм. «Коллапан» ва «Биошиша» билан жарроҳлик операциялари ўтказилган олдин ва кейин альвеоляр суяк баландлигини ўзгаришлари динамикасини қиёсий баҳолаш.

Иккинчи гуруҳда олинган нур текширувлари маълумотлари шуни кўрсатдики, «Биологик фаол шиша» маҳаллий материални кукун шаклида қўллаб альвеоляр суякни баландлиги тиклаш ва қон плазмаси билан суюлтирилган "Биологик фаол шиша" дан фойдаланган холда альвеоляр суякни баландлиги тиклаш операцияси натижаси солиштирилганда маълум бўлдики, қон плазмаси билан суюлтирилган материал сезиларли даражада альвеоляр суяк баландлигини ошириши мумкинлиги аниқланди (2-расм)



**2-расм. «Биологик фаол шиша» материалдан турли юбориш усулларидан фойдаланган холда жарроҳлик операциялари ўтказишдан олдин ва кейин альвеоляр суяк баландлигини ўзгаришлари динамикаси (мм).**

Юқоридагиларни умумлаштириб, ишонч билан шуни айтишимиз мумкинки, «Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» маҳаллий материалдан фойдаланиб аугментация операцияси ўтказилиши алвеоляр суяк баландлигининг бошланғичга нисбатан бир неча баробар юқори ишончли ва сезиларли даражада ошишига олиб келади.«Биологик фаол шиша» маҳаллий материални қўллашда алвеоляр суяк баландлигининг ўсиши сезиларли даражада бўлиб, ўртача 1,4 мм.ни ташкил қилади. Алвеоляр суяк баландлиги «Биологик фаол шиша» материалдан беморнинг қон плазмаси билан фойдаланишда суяк баландлиги қуруқ кукун қўллашга нисбатан 2,0 мм га ошади.

«Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» билан суякни тиклаш ёрдамида тиш имплантациясини ўтказган беморларда пастки ва юқори жағнинг алвеоляр ўсимтасининг эхоостеометрияси кўрсаткичлари ўрганилди. Эхоостеометрия протезлашдан олдин турли вақтларда оссеоинтеграция даражасини ўрганиш учун ўтказилди: жарроҳликдан олдин, 1,5; 3 ва 6 ойдан кейин (3-жадвал)

**Операциядан олдин ва кейин турли даврларда алвеоляр суяк тўқимаси бўйлаб ултратовуш тезлиги(V, м/с) кўрсаткичининг динамикаси (M ± m)**

Кузатиш вақти	V ( м / с )		
	Коллапан билан аугментация	Биошиша билан аугментация	Назорат гуруҳи
Жарроҳликдан олдин	1648 ± 46.27	1627 ± 39.22	3317 ± 58.28
Операциядан 1,5 ой ўтгач	1695 ± 44.20	1670 ± 42.41	
Операциядан 3 ой ўтгач	1721 ± 45.63	1713 ± 44.28	
Операциядан 6 ой ўтгач	1986 ± 47.45	1995 ± 48.03	

Эхоостеометрия натижаларига кўра, операциядан олдин иккала таққослаш гуруҳларида (Коллапан билан тиклаш ва “Биологик фаол шиша” билан тиклаш) ултратовушнинг жағларнинг алвеоляр суяги бўйлаб тарқалиш тезлигининг дастлабки ўртача қийматлари деярли бир хил бўлиши кузатилди. Иккала гуруҳдаги ултратовуш текширувининг ўртача ўсишини таққослаганда, иккита остеопластик материалдан фойдаланганда суяк зичлигида кўринадиган фарқ йўқлигини кўрамиз. “Биологик фаол шиша” маҳаллий остеопластик материал эканлигини ҳисобга олсак, унинг иқтисодий афзаллиги ҳақида таъкидлаш мумкин.

Даволаш вақтини тезлаштириш ва операциядан кейинги асоратларни минималлаштириш учун биз “Биологик фаол шиша” кукунини операция қилинган беморнинг қон плазмаси билан аралаштиришни таклиф қилдик. Эхоостеометрия натижалари операциядан кейинги жароҳатни даволашда клиник яхшиланишларни ва асоратларнинг йўқлигини тасдиқлади.

Диссертациянинг тўртинчи " **Жағлар нуқсонларини жарроҳлик йўли билан тиклашда имплантатларда таянган ортопедик реабилитациянинг самарадорлиги прогнозини асослаш,**" бобида жағлар нуқсонларини жарроҳлик йўли билан реконструкция қилиш натижалари таҳлил қилинди.

Ижобий маълумотлар жарроҳлик стоматологияси клиникасида тиш имплантларини ишлатиш имконини берди. Суяк пластикаси ўтказилганидан кейин ўрганилаётган беморларда операциядан кейинги даврда асоратлар кузатилмади.


Кузатишлар шуни кўрсатдики, суяк регенератининг ҳосил бўлиш вақти аугментация материалининг аралаштириш хусусиятига боғлиқ. Энг тез бирлашиш, зич остерегенерат ҳосил бўлиши «Биологик фаол шиша» моддасини қон плазмаси билан аралаштирилганда кузатилди. Ушбу беморларда операциядан олти ой ўтгач, экстракция тешиги аугментация қилинган жойда органотипик суяк регенерати аниқланди, тиш имплантлари

атрофидаги суяк тўқималари одатдаги тузилишга эга эди. «Биологик фаол шиша» аостеоген кукунини физиологик эритма билан аралаштирилганда аугментация қилинган жойда репаратив жараёнлар озгина фарқ билан юқори натижани кўрсатди, регенерат ҳосил бўлиши 6 ойга тўғри келди. Тиш имплантлари соҳасидаги суяк тўқималарининг рентген тузилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материалдан фойдаланганда, имплантатлар соҳасида кўчириб ўтказилган суякнинг тузилиши деярли ўзгармаган. Барча ўрганилган беморларда «Биологик фаол шиша» остеопластик материал аугментация қилинган жойдаги тиш имплантатлари соҳасига туташ жойлашган суяк тўқимасининг тузилиши ҳосил бўлган суяк регенератига яқин тузилишга эга эканлиги аниқланди.

Маълумотларимиз «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материални тиш имплантатлари билан биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ушбу беморларда "Коллапан" материалдан фойдаланганда операциядан кейинги 1,5, 3 ва 6 ойлик кузатув даврида уларнинг жойлашадиган жойидаги суяк тўқималарининг тузилиши сақланиб қолган ҳолда тиш имплантларининг оссеоинтеграцияси яхши бўлган. «Биологик фаол шиша» материални аугментация қилишда оссеоинтеграция ўртача 2-3 ойдан кейин кузатилди, бу операциядан ўртача 2-3 ой ўтгач тиш протезларини ўрнатиш имконини берди. Тишларни имплантатларда протезлашнинг асосий мезонлари остеопластик материални аугментация жойида суяк остерегенератини тўлиқ шаклланиши, тиш имплантатлари жойлашган соҳада суяк резорбсиянинг кузатилмаслиги ҳисобланади, «Биологик фаол шиша» буни муваффақиятли намоиш этди.

Тадқиқод жараёнида маълум бўлдики, юз-жағ соҳасининг остеопластик операцияларидан кейин протезлашга мухтожлик 100%ни ташкил қилади. Шу жумладан, юз-жағ соҳасининг остеопластик операцияларидан кейин олинадиган протезлашга мухтожлик 65,61%, олинмайдиган протезлашга мухтожлик – 34,39% ташкил этди.

«Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материалдан фойдаланиш қониқарли натижаларига асосланиб ва стоматологик имплантацияни режалаштиришда олинмайдиган протезларга бўлган эҳтиёж 95,23% гача ўсди ва олинадиган протезларга эҳтиёж 4,77% гача камайди. Ушбу далил «Биологик фаол шиша» остеопластик моддаси билан экстракция қилинган тиш ўрнини тиклаш усулидан фойдаланишда стоматологик имплантация стационар протезлаш имкониятларини сезиларли даражада кўпайишига, яъни олинадиган протезларга эҳтиёжнинг 65,64% га камайишига ёрдам беради, олинмайдиган тиш протезларига эҳтиёжни 60,84% га оширади (3- расм.)



3-расм. Беморларда тиш протезларига эҳтиёж динамикаси.

Беморларнинг ортопедик реабилитацияси учун, жағнинг нуқсонлар оқибатида остеопластик тиклашлар ўтказилганда, турли четдаги ва оралик дефектларида протезлаш усулларида фойдаланишга мажбур бўлинади.

Шу муносабат билан биз тиш қаторининг терминал ва оралик дефектларини тақсимланишини ўрганиб чиқдик ва беморларнинг учта гуруҳда кузатдик.

Чегараланмаган нуқсонларнинг энг катта улуши ИБ ва ИА гуруҳига тўғри келади - мос равишда 50%; энг кичик улуш 1-гуруҳга тўғри келади—53,7%.

Шундай қилиб, тишлар қаторининг чегараланмаган нуқсонлари энг кам сони икки турдаги операциялардан сўнг содир бўлади - «Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» моддаси қон плазмаси билан аралашган ҳолда қўлланилганда.

Ушбу кўрсаткич "Биологик фаол шиша" маҳаллий остеопластик моддаси ёрдамида стоматологик имплантациядан сўнг олинмайдиган протезлар ёрдамида чегараланмаган нуқсонларни тиклашда долзарблигини яна бир бор намоиш этади.

Ушбу таҳлил асосида шуни айтишимиз мумкинки, биринчи гуруҳда суяк регенерати шаклланиши учун жағлар нуқсонлари унчалик катта эмаслиги туфайли имплантларга ўрнатилган алоҳида-алоҳида коронкалар сони энг кўп бўлиши тавсия этилади. Ўз навбатида, иккинчи ва учинчи гуруҳларда жағлар нуқсонлари сезиларли катта бўлганлиги туфайли бир нечта имплантларни ўрнатишни ва кейинчалик кўприксимон протезларни фиксациясини талаб қилади.

Ортопедик реабилитация даврида жами 63 та протез тайёрланди. Суяк регенератига тиш имплантацияси ортопедик тузилмалар учун таянчлар сонини кўпайтиришга, кўпчиликда кузатилган тиш қатори нуқсонининг



дистал нуқсонларини (биринчи ва иккинчи Кеннеди синфларини) "ёпиш" га имкон берди ва шу билан олинмайдиган протезлар билан протезлаш имкониятларини оширди.

Олинмайдиган конструкциялардан якка қопламалар 12 та, имплантатга ўрнатилган кўприксимон протезлар - 51 та.

Имплантатга ўрнатилган кўприксимон протезларларнинг кўпи дистал нуқсонли гуруҳларга ва тўлиқ адентияси бўлган беморлар гуруҳига ўрнатилди - 39 та, Кеннеди бўйича оралиқ нуқсонлари бор беморлар гуруҳларига қўйилган кўприклар сони - 6 та.

Шу билан бирга, якка ўрнатилган коронкалар сони (12) Кеннеди бўйича оралиқ нуқсонлари бор беморлар гуруҳларига ўрнатилганлардан устунлик қилди.

Иккита турдаги имплантатга ўрнатилган олинмайдиган конструкциялар тайёрланди: якка ўрнатилган коронкалар ва кўприксимон протезлар, бу ҳолда биз протезларнинг консолли турларидан қочдик. Барча олинмайдиган протез конструкциялари яхлит қўйилган каркада ва металлокерамик кўринишдан иборат бўлди.

Якка ўрнатиладиган коронкалар ва кўприксимон протезларнинг тақсимланишини ўрганилганда қўйидаги қонуният аниқланди. Якка ўрнатиладиган коронкаларнинг энг кўп қисми биринчи гуруҳида беморлар учун тайёрланди ва 48,61 % ни ташкил этди. Якка ўрнатиладиган коронкаларнинг иккинчи ярми қўйидагича тақсимланди: беморларнинг II А гуруҳида- 24,31%; II Б гуруҳида-27.08%.

Биринчи гуруҳдаги беморларнинг 1/2 қисмидан кўпроғига кўприксимон протезлар ўрнатилди (54%). Кўприксимон протезларларнинг нисбатан озроқ қисми II Б гуруҳида (32%) кузатилди. II А гуруҳида мос равишда 14%. Бу таҳлил асосида айтиш мумкинки, имплантатларга якка ўрнатиладиган коронкаларнинг энг кўп қисми оралиқ дефектлар бор гуруҳ беморларига ўрнатилди, бу эса суяк регенерати шаклланадиган жағ дефектининг унчалик катта бўлмаганлигидан далолат беради. Ўз навбатида, тўлиқ адентияли беморлар гуруҳида нуқсонларнинг сезиларли даражада катталиги кузатилади, бу бир нечта имплантларни ўрнатишни ва кейинчалик кўприксимон протезларни фиксациясини талаб қилади.

Ушбу таҳлил тиш имплантациясида Коллапан остеопластик материали ва «Биологик фаол шиша» маҳаллий материали билан ўтказиладиган аугментация операциясида олинмайдиган тиш протезларини ўрнатиш имкониятларини кенгайтиради ва беморларни кейинги ортопедик реабилитациясида жағларни тикловчи терапияда олинмайдиган тиш протезларини ўрнатиш имкониятларини кенгайтиришини янада ишончлироқ ( $p < 0,05$ ) тасдиқлайди.

Ортопедик реабилитация натижаларини белгилайдиган энг муҳим омил бу тиш протезларининг функционал фойдалилиги. Ўз навбатида, турли хилтиш гуруҳларига хос бўлган турли хил функцияларни тиклашда биз биринчи навбатда чайнаш функциясини тиклашга эътибор қаратдик.

Ушбу функцияни объектив баҳолаш учун, бизнинг фикримизча, И.С.Рубиновга кўра функционал синамаларни ўтказиш мақсадга мувофиқ эди\*. Ушбу синамалар икки марта ўтказилди: имплантация операциясидан аввал ва ортопедик даволанишдан бир ой ўтгач ўтказилди.

Синама натижалари остеопластик материал турига ва жағлардаги реконструктив аралашувлар турларига қараб ўрганилди. И.С.Рубинов бўйича функционал синамалар қуйидагиларни кўрсатди - протезлашгача олинмайдиган конструкцияларни қўллашда беморларда чайнаш функциясини сезиларли даражада бузилиши беморларнинг барча гуруҳларида бир хил кузатилди ( $31,8 \pm 0,34$  сек. дан  $41,02 \pm 0,39$  сек. гача). Шу билан бирга, жағнинг катта нуқсонлари бор ва тўлиқ адентияси бўлган беморларда энг узоқ вақт кузатилди ва бодомни чайнаш учун энг қисқа вақт якка оралиқ нуқсонли беморларда аниқланди. Протезлашдан бир ой кейин барча гуруҳлардаги беморларда остеопластик операциянинг турига, имплантат турига ва олинмайдиган ортопедик конструкциянинг турига қарамасдан чайнаш функциясининг тикланиши кузатилди (24 сек. дан 14,6 сек. гача).

Маълумотлардан кўришиб турибдики, жағ нуқсонларини олинмайдиган протезлар билан тиклашдаги ўтказилган жарроҳлик аралашуви ва остеопластик материал тури чайнаш функцияси тиклаш динамикасига таъсир қилмади. Шундай қилиб, имплантатларда олинмайдиган протезлашдан олдин Коллапан остеопластик материални ( $14,2 \pm 0,19$  -  $18,4 \pm 0,22$ ) ва «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материални ( $14,19 \pm 0,18$  -  $20,6 \pm 0,18$ ) қўллашни ишончли юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

Аслида, бу кузатиш бизга ишончли ( $p < 0,05$ ) равишда «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материални жағларни имплантатларда олинмайдиган протезлар билан протезлашда Коллапан остеопластик материалдан фойдаланишдан 3,13% га кўпроқ самара беради дейиш мумкин.

#### ХУЛОСАЛАР:

1. «Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» остеопластик материалларини юқори жағнинг ён қисмларида альвеоляр ўсимталарини суяк ҳажмини ошириш учун ва альвеоляр ўсимтанинг жағ қисмининг параметрларини сақлаш учун ишлатилиши самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш операциядан кейинги даврнинг ижобий кечишини; операциядан кейинги даврда муҳим фарқлар бўлмаслигини кўрсатди. Клиник текширувлар натижаларига кўра олинган тиш ўрнини аугментация операцияларида «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материални қўллашни тавсия қилиш мумкин.

2. Олиб ташланган тиш ўрнини Коллапан остеопластик материали билан аугментациялаш операциясидан кейин конус-нурли компьютер томографияси натижаларига кўра альвеоляр ўсимта жағ қисмининг кенглиги  $6,71 \pm 0,39$  мм ни ташкил қилди, бу бирламчи параметрларнинг 82% ни ташкил қилади. Олиб ташланган тиш ўрнини «Биологик фаол шиша» маҳаллий остеопластик материали билан аугментациялаш операциясидан кейин конус-нурли компьютер томографияси натижаларига кўра альвеоляр ўсимта

жағ қисмининг кенглиги  $7,45 \pm 0,51$  мм ни ташкил қилди, бу бирламчи параметрларнинг 81% ни ташкил қилади. Иккала холда хам ортопедик даволашда дентал имплантация ўтказиш учун сифатли остеорегенерат олишга муваффақ бўлинди.

3. Суяклар пластикасида «Коллапан» ва «Биологик фаол шиша» остеопластик материалларини дентал имплантация билан ўтказилганда 1,5-3 ой муддатда тўлиқ сифатли органотипик регенератни шаклланиши кузатилади. Дентал имплантатларни интеграцияси имплантатга маҳкам ёпишган етук суяк шаклланиши билан тугаши кузатилди.

4. Жағ нуксонларининг суяк пластикасидан сўнг барча беморларда ортопедик даволашга эҳтиёж қайд этилди, бунда  $64,78 \pm 2,34\%$  ҳолларда олинадиган ва  $34,18 \pm 1,96\%$  ҳолларда олинмайдиган конструкцияларни тайёрлаш талаб қилинди. Дентал имплантация жағларнинг реконструктив жарроҳлигида олинмайдиган тиш протезларини қўллаш имкониятларини  $59,16 \pm 1,83\%$  гача кенгайтди.

5. Беморларни ортопедик даволаш 2-4 ойда имплантатларни тўлиқ интеграциясидагина амалга оширилади. Жағ дефектларини дентал имплантатлар қўллаб суякларни пластикасида ортопедик даволашни ижобий натижалари  $98,85\%$  ҳолларда кузатилди. Дентал имплантация  $98,98 \pm 2,09\%$  ҳолларда олинмайдиган тиш протезларини конструкцияларини қўллаб тиш қаторларини дефектларини протезлашда функционал натижаларни яхшилаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020 Tib 102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТУЛЯГАНОВ ЖАМШИД ШОВКАТОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОТЕЗИРОВАНИЯ ОРТОПЕДИЧЕСКИМИ  
КОНСТРУКЦИЯМИ ПОСЛЕ ИМПЛАНТАЦИИ ОТЕЧЕСТВЕННОГО  
БИОМАТЕРИАЛА «БИОАКТИВНОЕ СТЕКЛО»**

14 00 21 - Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2020**

**Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/Tib502**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель**

**Акбаров Авзал Нигматуллаевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Нуриева Наталья Сергеевна.**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Абдувакилов Жахонгир Убайдуллаевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

Национальный университет Наварры.  
Испания.

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020 Tib 102.02 при Самаркандском государственном медицинском институте (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, 18. (Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского института (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_) Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, 18. (Тел./факс: (99866)-233-07-66

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ж. А. Ризаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.У. Самиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**К.Э. Шомуродов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

Частичное отсутствие зубов является одним из самых распространенных заболеваний: по данным Всемирной организации здравоохранения, ею «...страдают до 75% населения в различных регионах земного шара...» Частичное отсутствие зубов непосредственным образом влияет на качество жизни пациента. Частичное отсутствие зубов обуславливает нарушение, жизненно важной функции организма — пережевывания пищи, что сказывается на процессах пищеварения и поступления в организм необходимых питательных веществ, а также нередко является причиной развития заболеваний желудочно-кишечного тракта воспалительного характера, нарушения артикуляции и дикции сказываются на коммуникационных способностях пациента, нарушениях психики. Несвоевременное или некачественное лечение частичного отсутствия зубов ведет к развитию таких заболеваний зубочелюстной системы, как болезни пародонта, в отдаленной перспективе — к полной утрате зубов — полной вторичной адентии обеих челюстей.

Стоматологическая имплантация является сформировавшимся научно-обоснованным методом лечения больных с частичной и полной потерей зубов. Однако часто перед стоматологом-имплантологом стоит проблема регенерации костной ткани после воспалительных, травматических заболеваний и проведения экстракционных вмешательств, которые приводят к ее дефициту. Физиологическая регенерация часто не дает нужного объема новой кости. А локальный дефицит кости затрудняет проведение дентальной имплантации. Традиционно используется двухэтапная методика имплантации, основным недостатком которой является увеличение сроков лечения на время заживления лунки и период остеоинтеграции имплантата. В некоторых случаях это неприемлемо для пациентов, особенно, когда речь идет о восстановлении зубов в эстетически значимой зоне.

Существуют различные группы материалов, стимулирующих остеогенез. Остеоиндуктивный потенциал, остеокондуктивные свойства и переносимость тканями принимающего ложа в группах выражены неодинаково. В связи с этим, перед клиницистами возникает проблема выбора остеопластического материала, способного обеспечить положительный результат лечения и не требующиего больших финансовых вложений. По-прежнему остается актуальным вопрос разработки и внедрения в клиническую практику недорогих отечественных материалов для полноценной регенерации костной ткани челюстей, обеспечивающих

стабильный результат. Изучение свойств биоматериала «Биоактивное стекло» обладающего хорошей биоинтеграцией, высокой биосовместимостью, способностью выполнять остеокондуктивную функцию, позволит использовать его для восстановления атрофированной костной ткани у больных с дефектами зубных рядов, и в качестве подготовительного этапа к ортопедическому лечению.

В Республике осуществляются целевые и практические мероприятия по приспособлению системы здравоохранения мировым требованиям. В связи с этим, поставлены задачи по «...повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, также формированию системы медицинской стандартизации, внедрению высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»<sup>2</sup> В нашей стране важной народнохозяйственной задачей по внедрению отечественного поверхностно-активного биоматериала для заполнения дефектов челюстных костей и сокращения сроков регенерации костной ткани после реконструктивных операций. До на стоящего времени в Узбекистане научные разработки по созданию костно пастического материала для замещения дефектов челюстей и восстановления резорбированной кости не проводились. Из собрания Всемирной Организации Здравоохранения «...хирургическая стоматология является важной составляющей в решении этой проблемы, что позволяет повысить эффективность функциональной нагрузки, улучшить эстетику лица, социальную реабилитацию человека и повысить качество жизни»<sup>3</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Государственной программе, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистана «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2022 годы» № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан – VI. «Медицина и фармакология».

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года»

<sup>3</sup> World Health Organization. Adentia: fact sheet no.18. World Health Organization website, 2016., accessed March 12. Oral health surveys – basic methods», www.who.int/oral\_health.

Используемый в научной исследовании «Биоактивное стекло» был разработан группой учёных во главе профессором Туринского политехнического университета в Ташкенте Тулягановым Дилшат Убайдуллаевичем, и был получен патент номером № IAP 03947. В ходе этой работы группой ученых «Биоактивное стекло» был использован в качестве биоматериала заполняемый после резекции корня, а также после удаления одонтогенных кист и гранулём.

